

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИДА КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ИШТИРОКИ – ТЕНГЛИК ПРИНЦИПИНИНГ АСОСИ

*Шухрат Узаков ва Хайдаров Баҳриддин
Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчилари*

Аннотация: Ушбу мақолада меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимга нисбатан интизомий жазоларнинг берилиши тартиби, ушбу жараёнда ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси иштирокининг аҳамияти ҳамда такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: интизомий жазо, касаба уюшмаси, хайфсан, жарима, меҳнат шартномасини бекор қилиш, жамоа келишуви, жамоа шартномаси.

Ҳар қандай ижтимоий муносабатлар маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан вужудга келади. Жумладан, меҳнатга оид муносабатларда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатни белгилаб берувчи ҳаракатлар мажмуи меҳнат интизомидир. Амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан, меҳнат интизоми барча ходимларнинг меҳнат тўғрисидаги **қонунчиликка, жамоа келишувларига, жамоа шартномасига**, шунингдек **ички меҳнат тартиби қоидаларига, бошқа ички ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига** мувофиқ белгиланган ҳуқуқ-атвор қоидаларига мажбурий бўйсунishi ҳисобланади¹. Шунингдек, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлган ходимнинг ҳар қандай ҳаракати ҳуқуқий ҳисобланади ҳамда интизомга ҳилоф ноҳўя ҳаракат сифатида баҳоланиши мумкин эмас².

Демак, меҳнат қилишга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар ушбу ҳужжатлар асосида белгиланади. Меҳнат интизомининг вужудга келишидаги ходимларнинг вакиллари иштирокини кўриб чиқадиган бўлсак, **Жамоа келишувлари, Меҳнат кодекси 82-моддасига асосан ходимлар ва иш берувчиларнинг тегишли вакиллик органлари** ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан тузилади.

Жамоа шартномаси ташкилотда ёки якка тартибдаги тадбиркорда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан **ўз вакиллари орқали** ва иш берувчи томонидан тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 395-модда. 28.10.2022 йил.

² Меҳнат ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси (Исроилов Б) Дарслик. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. 397-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 65-модда. 28.10.2022 йил.

Ички меҳнат тартиби қоидалари иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Ушбу локал ҳужжатларни қабул қилинишида ходимларнинг бевосита иштироки шуни кўрсатадики, ходимларнинг касаба уюшмалари нафақат, интизомий жазоларнинг қўлланилишида, балки меҳнат интизоми қоидаларини белгилашда ҳам иштирок этади. Таъкидлаш жоизки, мазкур иштирок ижтимоий тенглик асосида меҳнат муносабатларини вужудга келтирилиши мақсадида амалга оширилади. Бундан кўринадики, касаба уюшмалари меҳнат интизомини белгиловчи тенг ҳуқуқли субъект ҳисобланади.

Айрим ташкилотларда касаба уюшмалари мавжуд бўлмаслиги мумкин. Аммо бундай ҳолларда чет еллик ҳуқуқшунос олим Элизабет Эйлоттнинг фикрига кўра, “касаба уюшмаларисиз ишлайдиган ходимларни қўллаб-қувватлаш учун ташкилотда масъул орган ва кадрлар бўйича мутахассислар жавобгар бўладилар⁴”.

Касаба уюшмаси ўз аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жумладан, интизомий жазо чораларини қўллашда муҳим рол ўйнайди. Ушбу жараёнда касаба уюшмасининг асосий вазифаси ходимларнинг манфаатларини ифодалаш бўлиб, бунда касаба уюшмаси ходимнинг фаолиятини текшириш жараёнидан тортиб, таъсир чораси қўлланилишигача бўлган даврнинг барча босқичларида иштирок этиши мумкин. Шунингдек, касаба уюшмаларининг интизомий жазо қўллаш тартибини Меҳнат кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини таъминлаш асосий вазифаларидан биридир.

Ходимларнинг вакиллари фақатгина корхона (ташкилот)нинг фаолияти доирасида ходимларни асоссиз жазолардан ҳимоя қилиш билан чекланмасдан, балки ходим манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилишлари орқали ўз фаолиятини амалга оширишлари мумкин. Амалий жиҳатдан, интизомий жазолар қўлланилишида касаба уюшмасининг иштироки икки ҳил усулда амалга оширилади. **Биринчиси** – билвосита иштирок бўлиб, меҳнат интизомини вужудга келтирадиган меъёрларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади. **Иккинчиси** – бевосита иштирок бўлиб, касаба уюшмаси розилигини бериши орқали амалга оширилади.

Меҳнат қонунчилигида интизомий жазолар қўлланилишида касаба уюшмасининг розилигини олиши ҳақида айни нормалар мавжуд эмас. Аммо, 164-моддада: “Агар жамоа келишувида ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш учун касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, меҳнат шартномасини бундай розиликсиз бекор қилишга йўл қўйилмайди⁵”, деб

⁴ Elizabet Eylott "Mehnat huquqi" amaliyotga kirish. Yu.f.d Sh, Ismoilovning umumiy tahriri ostida tarjima qilingan. 11-bet. TDYU nashriyoti 2023 yil.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 164-модда. 28.10.2022 йил

кўрсатилган. Бундан кўринадики, аксарият ҳолларда интизомий жазонинг **меҳнат шартномасини бекор қилиш** турига нисбатан касаба уюшмасининг розилигини олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат интизоми бузилиши ҳолатини тадбиқ этиш учун хизмат текшируви асос бўлиши лозим. Хизмат текшируви ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини, унинг содир этилишида ходимнинг айбини, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни, иш берувчига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган текшириш ҳисобланиб, уни ўтказиш учун қарор қабул қилишда оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, ходимнинг бевосита раҳбарининг билдиргиси, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ҳамда ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилган деб тахмин қилиш учун асос бўлган бошқа маълумотлар асос бўлади.

Хизмат текшируви ўтказилишида комиссия таркибида бевосита **касаба уюшмаси қўмитасидан аъзо бўлиш кераклиги** белгиланган. Бу эса, интизомий жазоларни қўллашга асос бўлувчи текширув натижаларида ҳам уюшманинг иштироки мавжуд эканлигини кўрсатади.

Интизомий жазонинг уч тури мавжуд бўлиб, булар: ҳайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима; меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳисобланади.

Биз ушбу жазо турларини икки гуруҳга ажратиб оламиз. **Биринчи гуруҳ** узоқ муддатли жазо деб ҳисобласак, бунга ҳайфсан ҳамда жарима жазосини киритишимиз мумкин. Чунки, бу жазоларнинг ҳаракатда бўлиши 1 йилгача муддатга белгиланади ва унинг ҳуқуқий оқибати ушбу муддат давомида амалда сақланади ҳамда такроран интизомий қилмиш содир этилиши учун жавобгарликка таъсир кўрсатади. **Иккинчи гуруҳга** эса биз меҳнат шартномасини бекор қилиш интизомий жазосини киритишимиз мумкин. Ушбу жазо тури нисбатан таъсирчан ҳисобланади. Аммо, ўз навбатида бир ҳаракатда амалга оширилади. Яъни, унинг ҳуқуқий оқибати ишдан бўшатиш ҳисобланади.

Шунингдек қонунчиликда интизомий жазонинг амал қилиш муддати белгиланган бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек у бир йилдан ошиб кетмаслиги керак. Шунингдек Меҳнат кодекси 315-моддасига асосан, интизомий жазоларни муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Жумладан, иш беручи интизомий жазони **касаба уюшмаси қўмитасининг илтимосномасига**, шунингдек ходимнинг илтимосига кўра, бир йил ўтгунига қадар муддатидан олдин олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Маълумки, ишчиларнинг вакиллари ташкилотда тенглик имкониятини

яратиш мақсадини кўзлаган ҳолда фаолият юритар экан, унинг ушбу соҳада фаолиятини ҳам либераллаштириш лозим. Хусусан, амалиётда касаба уюшмаси интизомий жазо хато тарзда қўлланилганини маълум бўлган ҳолларда ҳам, уни бекор қила олмайди, фақатгина иш берувчига илтимос қила олади холос.

Ўйлашимизча, қонунчиликка, ходимнинг интизомий жазосини муддати тугамасдан туриб бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитасида ҳам ваколат бўлиши лозим. Масалан, бундай ваколатни **“касаба уюшмасининг ташаббуси билан интизомий жазонинг мақсадга мувофиқлигини, муддатидан олдин бекор қилиш учун ходимнинг ишдаги хулқ-атворини аниқлашни текшириш мақсадида камида уч кишидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Ушбу комиссия интизомий жазони бекор қилиш ёки муддатидан аввал тугатиш тўғрисида иш берувчи учун бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма бериши мумкин”**, деган мазмундаги ҳуқуқ нормасини жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин бўлади.

Биз тарафлар ўртасидаги тенгликни янада мустаҳкамлаш йўлидан бормоғимиз лозим. Зотан Конституцияда ҳам касаба уюшмаси фаолияти кафолати белгиланган. Унда: “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар⁶”.

Фойдаланилган адабийтлар рўйхати:

- Меҳнат ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси (Исроилов Б) Дарслик. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. 397-б.;
- Елизабет Эйлотт “Меҳнат ҳуқуқи” амалиётга кириш. ю.ф.д Ш.Исмоиловнинг умумий таҳрири остида таржима қилинган. 11-бет. ТДЮУ нашриёти 2023 йил.;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 01.05.2023-йил;
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 28.10.2022 йил.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 73-модда. 01.05.2023-йил.